

PAPER

“НАХЖУ-Л-ФАРОДИС” АСАРИДА ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИ-С-САЛОМ БИЛАН БОҒЛИҚ МАЪЛУМОТЛАР

Валиев Сайдакбархон Юнусхон ўғли¹, *

¹Тошкент давлат шарқшунослик университети “Туркшунослик олий мактаби” 3-босқич таянч докторанти

* kaminasaid@gmail.com

Abstract

Бу мақолада “Нахжу-л-фародис” асарининг Пайғамбар алайҳиссаломнинг аҳволлари ҳақидаги биринчи бобидаги ўнта фаслдан Пайғамбар алайҳиссаломга тегишли бўлган қисқа ва илмий маълумотлар таҳлил қилинади. Бунда Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилишларидан то вафотларига қадар бўлган ҳаётлари қисқача хронологик ўрганилади. Бундан ташқари “Нахжу-л-фародис” асаридаги илмий маълумотлар сийрат китобларидаги маълумотлар билан солиштирилади.

Key words:

Нахжу-л-фародис, Маҳмуд ибн Али Кардорий, Пайғамбар алайҳиссалом.

КИРИШ

“Нахжу-л-фародис” асари Маҳмуд ибн Али Кардорий томонидан ёзилган ўзига хос диний, тарихий ва илмий асар. Унда тўрт боб ва қирқ фасл асносида қирқ ҳадис шарҳланган. Бундан ташқари асарда бир қанча оятлар ва ҳадислар ҳам ўрин олган.

Асар тўрт боб асосида шаклланган бўлиб, Би-

ринчи боб – Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари баёни ҳақида. Иккинчи боб – хулофои рошидин, аҳли байт ва тўрт имом фазилатлари баёни ҳақида. Учинчи боб – Ҳақ таолога яқинлаштирувчи эзгу амаллар баёни ҳақида. Тўртинчи боб – Ҳақ таолодан узоқлаштирувчи ёвуз амаллар баёни ҳақида.

Ҳар бир боб ўзига хос ўн фаслдан иборат шаклда тузилган. Фасллар учун асос бўлган

Compiled on: December 16, 2025.

Copyright: ©2025 by the authors. Submitted to *Advances in Science and Humanities* for possible open access publication under the terms and conditions of the [Creative Commons Attribution \(CC BY\) 4.0 license](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/).

ҳадислар Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётларида содир бўлган ҳодисалар, Пайғамбарлар қиссалари, саҳобалар ҳаёти ва ўтган олим ва муҷтаҳидлар ҳаётларидан қисқача воқеалар асосида шарҳланган.

Лекин асардаги асосий ўринни ва ҳажмни Пайғамбар алайҳиссалом сийратларига тегишли воқеа ва ҳодисалар эгаллайди. Биринчи бобдаги ўн фаслнинг барчаси Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётларининг бирор бир мавзусига қаратилган. Бундан ташқари бошқа боб ва фаслларда ҳам Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётлари ва сийратларидан кўпгина иқтибослар келтирилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Юқорида айтилганидек асарнинг биринчи боби бевосита Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари номи билан бошланган. Бу бобдаги ҳар бир фасл ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратларидаги бирор бир мавзуга ўрин беради. Шу ўринда биринчи боб ва унинг ўнта фаслнинг сарлавҳалари билан танишсак:

Avvalqī bāb. Payğambarimūz 'alayhi-s-salāmnun faḍā'ili iḥindā turūr (NFĪ. 2a,2).

NFQда: **Bābī avval.** Payğambarimūz 'alayhi-s-salāmnin faḍā'ilin bayāni iḥindā turūr (NFQ.2a,15–16) дейилган.

NFQдаги номланиш тўлиқроқ. Чунки NFĪ нусханинг муқадиммасида ҳам биринчи бобнинг номи худди шундай номланган: **Avval bābī** – Payğambar 'alayhis-salāmnun faḍā'ilin bayāni iḥindā turur (NFĪ.1b,13).

Avvalqī faṣl. Payğambar 'alahi-s-salāmnun faḍā'ili iḥindā turūr. (NFĪ.2a,2–3).

NFQ нусхасида: **Avvalqī faṣl.** Payğambar 'alahi-s-salām aḥvālī iḥindā turūr (NFQ.2a,15) дейилган.

NFĪда биринчи фаслнинг номни худди бобдагидек “Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазоиلى ҳақида” дейилган. Лекин NFQ нусхада умумий “Пайғамбар алайҳиссаломнинг аҳволи ҳақида” экани айтилади. Яъни, Пайғамбар алайҳиссаломнинг аҳволи – (турли хил) ҳолатлари, ҳоллари ҳақидаги фасл. Бизнингча, мана шу ном биринчи фаслга кўпроқ мос тушади. Чунки, бу фаслда Пайғамбар алайҳиссаломнинг таржимаи ҳоллари ва оила аъзоларига тегишли маълумотлар ёртилган. NFĪдаги номланиш эса биз-

нингча котибнинг хатоси бўлса керак.

İkinci faṣl. Payğambar 'alayhis-salomqa vaḥī kelmagin bayāni iḥindā turūr (NFĪ.3b,17), (NFQ.5a,11–12).

Üçüncü faṣl. Payğambar 'alayhi-s-salām taqī yārānlārī birlā İslām avvalindā amgāngānlārīnin bayāni iḥindā turūr (NFĪ.5b,14–15).

Törtüncü faṣl. Payğambar 'alayhi-s-salām Makkadīn Madīnaqa ḥiqmāq bayāni iḥindā turūr (NFĪ.9b,13).

Beşinci faṣl. Payğambar 'alayhi-s-salāmnun mu'jizātīnin bayāni turūr (NFĪ.14a,5–6).

Altıncı faṣl. Payğambar 'alayhi-s-salām Makkaga kirmāgīnin bayāni turūr (NFĪ.18b,2–3).

Yetinci faṣl. Payğambarnin 'alayhi-s-salām Me'rājīnin bayāni iḥindā turūr (NFĪ.26b,8).

Saksinči faṣl. Üçmāḥqa taqī tamüḡqa tafarrüj qilmāqī bayāni turūr (NFĪ.30b, 14).

NFQ нусхасида: **Saksinči faṣl.** Payğambar 'alayhi-s-salām Me'rāj tünindā üçmāḥ tamüḡqa tafarrüj qilgāninin bayāninda (NFQ.43a,12–13) шаклида ёзилган.

Бу фаслнинг сарлавҳаси бизнинг фикримизча NFQ нусхаси асосида бўлиши керак.

Toḡsinci faṣl. Payğambar 'alayhi-s-salām Ḥunayndā ḡazāt qilmāqīnin bayāni turūr (NFĪ.34b,13).

Oninci faṣl. Payğambar 'alayhi-s-salām vafātīnin bayāni iḥindā turūr (NFĪ. 39a, 4–5).

НАТИЖАЛАР

Юқоридаги фаслларнинг барчаси маълум бир мавзуда бўлса-да, ҳар бир фаслда Пайғамбаримиз ҳаётлари, сийратлари ва ташқи кўринишлари борасида баъзида дақиқ маълумотлар келтирилади. Бу фаслларда Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётларида содир бўлган муҳим ҳодисалар ва воқеалар таҳлил қилинади. Шунинг учун бу мавзуларни ўрганиш асар мазмунидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жаннатга олиб боровчи йўللardan бири ҳисобланади.

Биз “Наҳжу-л-фародис” асарини манбашунослик нуқтаи назари билан Пайғамбар алайҳиссалом сийрат ва таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотларни Абдул Азим Зиёуддиннинг “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва аҳли байт” ва Одинахон Муҳаммад Юсуфнинг

“Нурул-уйуун” номли рисоаларидаги маълумотлар билан солиштириб борамиз. Чунки бу рисоалар Пайғамбар алайҳиссалом сийрати бўйича ёзилган мухтасар ва ишончли манбалар ҳисобланади.

Туғилиши

Асарнинг биринчи бобининг биринчи фаслида Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилиш ва болалик даври ҳақида сўз кетади. Жумладан шундай дейилади:

Yana bīlgīl, āgāh bolgīl Payğambar 'alayhi-s-salām Rabi'u-l-avval āyinīn on ikkinči kün, düšanba kün tügdī. Hīsāb 'ilmi bīlgān 'ulamālār āndāğ aydīlār-kīm, 'İsā payğāmbār 'alahi-s-salāmdin ālti yüz yīgirma yıl kečmiš erdikīm Muḥammad rasūlullāh dunyāga keldi (NFİ.2b,10–12).

NFKда эса Рабиъу-л-аввал ойининг ўн иккинчи эмас, балки ўн учинчи кунида туғилганини айтади:

Agah olgīl-kīm Payğambar Rabi'u-l-avval āyīnuṇ on üçünčī kun dušanbih kuniyidi toğdī [NFK.3b,2–3].

Сийрат олимлари тадқиқотиғи кўра Пайғамбар алайҳиссалом “ҳижратдан аввалги 53-йил, Фил йили, баҳор фасли, рабиъул аввал ойининг 2,3, 8,9 ёки 12-куни, душанба тонги, бомдод маҳали / мил. 571-йил, 19-23 апрель” куни туғилган.

Пайғамбар алайҳиссалом Рабъу-л-аввал ойининг 12-санасида, душанба куни туғилган. Бунга барча сийрат олимлари бирдек иттифоқ қилган. “Наҳжу-л-фародис”да ҳам шу сана айтилган. Лекин қайси йилда туғилгани ҳақида фарқ бор. “Наҳжу-л-фародис”да Исо пайғамбардан 620 йилдан сўнг туғилгани зикр қилинмоқда. Маълумки Пайғамбар алайҳиссалом милодий 571-йилда туғилган. Милодий йил эса Исо пайғамбарнинг туғилганларидан кейин кейин бошланган.

Расулulloҳ алайҳиссалому васаллом туғилган кечада Кисронинг айвонлари ларзага келган, ўн тўртта айвончаси қулаб тушиб, ҳаттоки бунинг овози эшитилган; форс оташпарасталарининг минг йилдан бери ўчмай келаётган олови ўчиб қолган; Сова кўли қуриб қолган.

Пайғамбар алайҳиссалом туғилган кечада бўлган бу ҳодисалар “Наҳжу-л-фародис”да

Пайғамбар алайҳиссаломга биринчи ваҳий келганда содир бўлган дейилган.

Отаси

“Наҳжу-л-фародис”да Пайғамбар алайҳиссаломнинг отаси ҳақида қуйидаги қисқача маълумот бор:

Taqī Payğambar 'alayhi-s-salāmnun atāsi 'Abdullāh Payğambar tügmazdīn āšnū vafāt bolüb turür erdi (NFİ.2b,12–13).

Ҳақиқатдан Пайғамбар алайҳиссаломнинг отаси Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб Пайғамбар алайҳиссалом туғилмасидан олдин вафот этган. Бунга кўпгина сийрат олимлари ҳам иттифоқ қилган.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг оталари вафот қилганда у зот ҳомила ҳолатида бўлганлар. Баъзи уламолар “икки ойлик бўлганларида”, дейишган, баъзилари “етти ойлик бўлганлар”, ҳам дейишган. “У зот йигирма саккиз ойлик бўлганларида оталари вафот этганлар”, деган уламолар ҳам бор.

Сийрат олимларининг хулосасига кўра Абдуллоҳ Абдулмутталибнинг Фотима бинти Амр исмли хотинидан туғилган учта ўғилнинг энг кичиги бўлган. Ҳижратдан аввалги 78–79 / мил. 546-йилда туғилган ва ҳижртадан аввалги 54-йил охирлари – 53-йил боши / мил. 570-йил охирлари – 571-йил бошларида, Фил воқеасидан олдин, 25 ёшида, Пайғамбар алайҳиссалом оналарининг қорнида ҳомила эканларида Мадинада вафот этган.

Онаси

“Наҳжу-л-фародис”да Пайғамбар алайҳиссаломнинг онаси ҳақида ҳам қисқагина маълумот бор:

Taqī Payğambar 'alayhi-s-salām ālti yāšqā yetmiš erdi-kīm, anāsi Āmina vafāt boldī (NFİ.2b,14–15).

NFKда эса Пайғамбар алайҳиссалом етти ёшдалигида вафот этганини таъкидлайди:

Dağī Payğambar 'alayhi-s-salām yedī yašna ermišdī anasī Āmina xatun dağī vafat oldī [NFK.3b,8–9].

Пайғамбар алайҳиссаломнинг онаси вафот этганда у зот тўрт яшар бўлганлар. Баъзи уламолар “Олти ёш бўлганлар”, дейишган.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг онаси Омина Пайғамбар алайҳиссалом олти ёшлигида вафот

этгани тўғри. Бу “Наҳжу-л-фародис”да ҳам айтилди.

Сийрат олимлари ҳам Умму Муҳаммад Омина бинти Ваҳб ибн Абдуманоф ибн Зухра ибн Килоб ҳижратдан аввалги 47-йил / мил. 577-йилда, Пайғамбар алайҳиссалом олти ёшга тўлганларида вафот этган деган.

Эмизган онаси Ҳалима

“Наҳжу-л-фародис”да Пайғамбар алайҳиссаломни бобоси Абдулмутталиб Ҳалимага эмиш учун бергани айтилган:

Payğambar 'alayhi-s-salāmni 'Abdulmuttālīb Ḥalima ātliḡ dāyaqa emdürmāk ücün berdi (NFİ.2b,13–14).

Бобоси Абдулмутталиб Пайғамбар алайҳиссаломни Ҳалима Саъдия исмли аёлга эмиздириш учун бергани тарихий китобларда бор. Чунки ўша даврда Макка аҳолисининг барчаси туғилган фарзандларини соғлом униб-ўсишлари учун Саъд қибиласи ва бошқа қишлоқларга фарзандларини эмишиш учун беришган.

Сийрат олимлари айтишича, Аслида пайғамбар алайҳиссаломни эмизган оналари бир нечта бўлган экан:

- 1) Омина (туққан оналари) – етти кун эмизганлар;
- 2) Сувайба Асламийя (Абу Лаҳабнинг озод қилган чўриси) – бир неча кун эмизган;
- 3) Ҳамза розияллоху анҳуни эмизган Бану Саъдлик аёл – бир марта эмизган;
- 4) Ҳалима бинти Абу Зуайб Саъдийя розияллоху анҳо – икки йил эмизган.

Лекин Пайғамбар алайҳиссалом Ҳадима Саъдия хонадонида 4 ёшгача қолган.

Хотинлари

Наҳжу-л-фародисда Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келган. Биз “Наҳжу-л-фародис”нинг қўлимизда бор бўлган нусхаларидаги маълумотларни бир-бирига қиёслаб, солиштириб кўрамиз.

NFİда Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари қуйидаги тартибда саналади:

Payğambar 'alayhis-s-salām dunyādīn naql qilmīštā toqūz xātūn qāldi. 'A'īša xātūn, taqī Ṣafiyya xātūn, taqī Ummu Salama xātūn, taqī Ummu Ḥabiba xātūn, taqī Zaynab xātūn, taqī Maymuna xātūn, taqī Jarira xātūn, taqī Ṣafiyya

xātūn, taqī Savda xātūn raḍiyallāhu 'anhunna (NFİ.3b,9–10).

Бу иқтибосда Пайғамбар алайҳиссаломнинг қуйидаги хотинлари саналган:

NFQда эса бу рўйхат озгина фарқ билан қуйидагича келган:

Payğambar 'alayhis-s-salām dunyādīn naql qilmīštā toqūz xātūn qāldi. 'A'īša xātūn, taqī Ḥafsa xātūn, taqī Ummu Salama xātūn, taqī Ḥabiba xātūn, taqī Zaynab xātūn, taqī Maymuna xātūn, taqī Juvayriya xātūn, taqī Ṣafiyya xātūn, taqī Savda xātūn raḍiyallāhu 'anhunna (NFQ.5a,1–5).

Яъни бу парчадаги исмлар рўйхати бироз бошқача:

NFRда ҳам бир оз фарқ бор:

Payğambar 'alayhi-s-salām dunyadan naql qilījak toquz xatun qaldī. Avval 'A'īša xātūn, daḡī Ḥafsa xatun, daḡī Ummu Salama xatun, daḡī Ummu Ḥabiba xātūn, daḡī Zaynab xatun, daḡī Ṣafiyya xātūn, daḡī Maymuna xatun, daḡī Juvayriyya xatun, daḡī Savda xatun raḍiyallāhu 'anhunna (NFR. 5a,6–10).

NFKда ҳам озгина фарқлар бор:

Payğambar naql qilduqdan sonra toquz xatunī qaldī. 'A'īša, daḡī Ḥafsa, daḡī Ummu Salama, daḡī Ḥabiba Jabiyya, daḡī Zaynab, daḡī Juvayriyya, daḡī Savda, daḡī Ṣafiyya xatun raḍiyallāhu 'anhunna ajma'in (NFK.5a,7–10).

Энди бу тўрт нусхадаги фарқни бир жадвалга солиб кўрамиз:

№	NFİ	NFQ	NFR	NFK
1.	Онша р.а.	Онша р.а.	Онша р.а.	Онша р.а.
2.	Сафийя р.а.	Ҳафса р.а.	Ҳафса р.а.	Ҳафса р.а.
3.	Умму Салама р.а.	Умму Салама р.а.	Умму Салама р.а.	Умму Салама р.а.
4.	Умму Ҳабоба р.а.	Ҳабоба р.а.	Умму Ҳабоба р.а.	Ҳабоба Жабиyya р.а.
5.	Зайнаб р.а.	Зайнаб р.а.	Зайнаб р.а.	Зайнаб р.а.
6.	Маймуна р.а.	Маймуна р.а.	Сафийя р.а.	Жувайрийя р.а.
7.	Жарира (Жувайрийя) р.а.	Жувайрийя р.а.	Маймуна р.а.	Савда р.а.
8.	Сафийя р.а.	Сафийя р.а.	Жувайрийя р.а.	Сафийя р.а.
9.	Савда р.а.	Савда р.а.	Савда р.а.	-

Бу тўрт нусхадаги Пайғамбар алайҳиссаломнинг хотинлари рўйхати кўриб турганимиздек бир-биридан бир оз фарқ билан келтирилмоқда. Бундан ташқари баъзи нусхаларда баъзи хотинларнинг исмларида ҳам хатоликлар бор. Нусхалар бир-бирини тўлдиради. Барча нусхаларда Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан

кейин тўққизта хотинлари қолди дейилган. Аслида Хадича розияллоҳу анҳудан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом ўнта аёлга уйланган.

Уламолар иттифоқига кўра Пайғамбар алайҳиссаломнинг 11 та хотини бўлган. Улар:

- 1) Хадича бинти Хувайлид;
- 2) Савда бинти Замъа;
- 3) Оиша бинти Абу Бакр;
- 4) Ҳафса бинти Умар;
- 5) Зайнаб бинти Ҳузайма;
- 6) Умму Салама бинти Абу Умайя;
- 7) Зайнаб бинти Жаҳш;
- 8) Жувайрийя бинти Ҳорис;
- 9) Сафия бинти Хуяй;
- 10) Умму Ҳабиба бинти Абу Суфён;
- 11) Маймуна бинти Ҳорис.

Бу ўн бир хотиндан эса атиги иккитаси, Хадича ва Умму Ҳабиба ҳақида “Наҳжу-л-фародис” да қисқача маълумотлар бор.

Фарзандлари

Пайғамбар алайҳиссаломнинг умумий етти-та фарзандлари – 3 ўғил ва 4 қизлари бўлган. Иброҳимдан бошқа барча фарзандлари Хадича розияллоҳу анҳудан туғилган. Иброҳим жорияси Мориядан туғилган.

Ўғиллари

Erkākī 'Abdullāh, taqī Qāsim erdi. Taqī Tāyyib, taqī Tāhir. Bū tortī nārasida erkān vafātlārī boldī (NFĪ.3a,2).

Қосим Пайғамбар алайҳиссаломнинг тўнғич фарзанди ҳисобланади. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом Абу-л-Қосим куняси билан ҳам номланган.

Қосим нубувватдан олдин Маккада туғилган. Онаси Хадича розияллоҳу анҳо. Нубувватдан олдин Маккада 17 ойлигида вафот этган.

Абдуллоҳ Пайғамбар алайҳиссаломнинг Хадича розияллоҳу анҳудан кўрган кенжа фарзандидир.

Абдуллоҳ нубувватнинг дастлабки йилларида Маккада туғилган. Онаси Хадича розияллоҳу анҳо. Бир ёшга тўлмай Маккада вафот этган. Қабри Ҳажун қабристонида.

Тоҳир ва Тоййиб Абдуллоҳнинг лақаблари бўлиб, бу лақаб Ислом дини келганидан кейин туғилгани учун берилган.

Biri Māriya ātlīg. Andīn Ibrāhim ātlīg oğūl boldī. Taqī nārasida ḥālindā vafāti boldī. (NFĪ.3b,11–12).

Иброҳим ҳижрий 8-йил Мадинада туғилган. Онаси Мория Қибтийя розияллоҳу анҳо. Ҳижрий 10-йил Мадинада вафот этган. Қабри Бақий қабристонида.

Қизлари

“Наҳжу-л-фародис” да хабар берилганидек Пайғамбар алайҳиссаломнинг тўрт қизлари бўлган. Улар Зайнаб, Руқайя, Умму Гулсум ва Фотима роҳияллоҳу анҳунналар. Барчаларининг онаси Хадича розияллоҳу анҳодир.

Taqī tort bintnīn biri Zaynab, taqī Ruqayya, taqī Ummu Kulsūm, taqī Fāṭima (NFĪ.3a,2–3).

Пайғамбарликнинг келиши

Yana Payğambar 'alayhis-s-salām qīrq yāšqa yetmiš erdi, Rajab āyiniñ yettinči tūn jum'a tūnında erdikim, Ḥirā tāğindā ġār içindā erdikim, Jabrā'il 'alayhis-s-salām zāhīr boldī. Yana šanba tūnī ham zāhīr boldī. Taqī yakšanba tūnī ham zāhīr boldī. Dūšanba tūnī erdikim Ḥaq ta'alā farmāni birlā Jabrā'il 'alayhis-s-salām risālatnī payğambarliqnī tabšürdī. Payğambar 'alayhis-s-salām taqī qabūl qildī (NFĪ.3a,8–11).

NFRда гап орасидаги “Rajab āyiniñ yettiči tūn jum'a tūnında erdikim” жумласи тушиб қолган.

Иккинчидан, Yana šanba tūnī ham zāhīr boldī жумласи ўрнида, yana dušanbih kunī zāhīr oldī (NFR.4a,9) дейилган.

Учинчидан, икки ўринда tūnī сўзлари ўрнига kunī сўзи ишлатилган.

Зикр қилинишича, нубувват рабиъул аввал ойининг саккизинчисида, душанба куни бошланган.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳижратдан аввалги 13-йил, рамазон ойида Маккадаги Нур тоғининг Ҳиро ғорида пайғамбарликни қабул қилди.

“Наҳжу-л-фародис” ва бошқа манбаларда келтирилган маълумотларнинг турли хил ифодаганиши табиий ҳол. Шунинг учун бу ҳақда яна алоҳида тадқиқот олиб бормасдан, манбалардаги бор маълумотларни келтириш билан кифояландик.

Пайғамбарлик келганда бўлган воқеалар

Taqī ol tūn erdikim, Kisrā mulkīniñ ayvāni tebrāndī, taqī on tort kūngürasi yiqildī. Taqī dunyādā nakim müğlār yāndürgān otlar bār erdi, jumlasī ol tūn sondī. Taqī Sāvā ātlīg elnīñ daryāsī ol tūn quridī. Jum'a kun Payğambar 'alayhis-s-salām

halā'iq larqā xabar berdikīm, Ҳақ та'alā маъна
payğambarliq rözi qildi deb (NFI.3a,11–14).

Пайғамбарлик келган куни ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмаган. Бу ҳодисалар, яъни Кисронинг айвони тебарниши ва 14 устуни йиқилиши, оташпарастларнинг муқаддас олови ўчиб қолиши ҳамда Сова кўлининг қуриб қолиши Пайғамбар алайҳиссалом туғилган кечаси содир бўлган.

Расулуллоҳ алайҳиссалому васаллом туғилган кечада Кисронинг айвонлари ларзага келган, ўн тўртта айвончаси қулаб тушиб, ҳаттоки бунинг овози эшитилган; форс оташпарастларининг минг йилдан бери ўчмай келаётган олови ўчиб қолган; Сова кўли қуриб қолган.

Вафотлари

Taqi qirq yāshinda payğambarqa vahî keldi. Vahî kelmışdin sonj Makkada on üç yıl türdi. Andin sonj Madinaga bārdi. Madinada on yıl turdi. āltmiş üç yāshinda erdikīm, pağambar 'alayhi-s-salām dunyādin naql qildi. On sakkiz kun sogal boldi. rabi'u-l-avval āyiniñ on birinç kun yakšanba kun erdi-kīm, āxiratqa ülandi va şallallāhu 'ala sayyidina Muḥammadin va ālihi ajma'in (NFI.3b,14–17).

NFRда: Vahi keldugindin sonjra Makkada uç yıl durdi. Andin sonjra Madinaya vardı. Yigirma yıl anda durdi (NFR.5a,17–5b,1) дейилган.

NFRда: Rabi'u-l-avval ayiniñ on yedinçi günüydikīm axirata ulaşdilar (NFR.5b,3–4) дейилган.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳижрий 11-йил, рабиъул аввал ойининг 12-куни, душанба куни зуҳро-чошгоҳ маҳали вафот этган.

Qačan-kīm, rabi'u-l-avval āyiniñ on birinçi kun yanšanba kun erdi-kīm, Payğambar 'alayhis-s-salāmnun iki enan qatig boldi ersa. Payğambar 'alayhi-s-salām mani olturğuzin dedi. Payğambar 'alayhi-s-salāmnı olturğuzdilar. 'Aişa raḍiyallohu 'anhaniñ koksı üzä başini qoşdı taqi aydi: bu kun dunyadin sonj kunum turur, āxiratdin avval kunum turur dedi (NFI.44a,2–5).

Пайғамбар алайҳиссалом олтмиш уч ёшларида ўн тўрт кун бемор бўлиб, вафот этганлар. Баъзи уламолар бошқа ёшни ҳам айтишган. Душанба куни, айна чошгоҳ пайтида, рабиъул аввалнинг ўн иккинчи куни вафот этганлар, чоршанба куни дафн қилинганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом 63 ёшларида Мадинада вафот этган. 40 ёшларида биринчи ваҳий келган. Асарда айтилганидек пайғамбарлик келганидан кейин 13 йил Маккада ва 10 йил Мадинада яшаганлар.

ХУЛОСА

“Наҳжу-л-фародис”нинг биринчи бобининг ўнта фаслидан Пайғамбар алайҳиссалом сийратларига оид келтирилган қисқача матнлар ва уларга изоҳ ўлароқ илова қилинган манбалардан шулардан иборат. Бундан маълум бўладики “Наҳжу-л-фародис” асари Пайғамбар алайҳиссалом сийратини ўрганишда ҳам манба фойдаланиш мумкин экан. шундай экан бу асар нафақат матншунослик нуқтаи назаридан балки манбашунослик соҳасида ҳам ўрганилиши керак бўлган манба ҳисобланади. Чунки асрда келтирилган ҳадислар бўлсин ёки тарихий фактлар бўлсин, барчаси мўтабар ва Ислом олимлари орасида шухрат қозонган асарлардан иқтибос қилиб олинган. Шунинг учун биз ҳам асардаги тарихий ва илмий маълумотларни ҳам тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Nehcul-Feradis. Ushtmahlarinin Achuq Yoli. Cennetlerin Achiq Yolu Doghru Siralanmish. El Yazma. Ebced-444s. <https://turuz.com/book/title/Nehcul+Feradis-Ushtmahlarinin+Achuq+Yoli-Cennetlerin+Achiq+Yolu-Doghru+Siralanmish-El+Yazma-Ebced-444s>
2. Mahmut b. Ali. 2014. Nehçül-feradis. Uşmaḥlarning açuq yoli. [Cennetlerin açık yolu]. Metin, Dizin-Sözlük, Tıpkıbasım. Birleştirilmiş baskı. Tıpkıbasım ve çeviri yazı Janos ECKMANN. Yayılayanlar: Semith TEZCAN – Hamza ZÜLFİKAR. Dizin-Sözlük: Aysu ATA. Ankara.
3. Фатҳуддин Абулфатҳ Яъмурий. Нурул-уйун. “ҲИЛОЛ НАШР” нашриёти. Тошкент. 2023.
4. Абдул Азим Зиёуддин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва аҳли байт. “Тош-

кент ислом университети” нашриёти. Тош-
кент. 2014.